# Ш А Р Т Н О М А № 37 - ЕХАТ

«28» январ 2022 йил Фарғона ш.

**Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Электрон ҳокимиятни ривожлантириш маркази» муассасаси** номидан Низом асосида харакат килувчи директор С.Махмудов бундан буен бир томондан «Хизмат курсатувчи» деб юритилади, иккинчи томондан низом асосида харакат килувчи, ССИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ номидан Ф.Исомиддинов бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади ва куйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи» олдидаги қуйидаги хизматларни амалга ошириш, «Буюртмачи» эса туловни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

## II. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ВА ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

| № | Ҳизмат номи | Улч Бир | Мик | Нархи | Етказиб бериш киймати | ККС | | Жами ККС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | % | сум | |
| 1 | Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта тизимида рўйхатдан ўтказиш (04.05.2011 йил ВМК-126 ), ЭРИ калити сертификатларини тайёрлаш ва тақдим этиш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш | дона | 1 | 499445 | 499445 | | ККС сиз | 499445 |
| | **ЖАМИ** | | | | 499445 | | | **499445** |

2.2. Хизматнинг шартномавий умумий бахоси **499445 (Тўрт юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз қирқ беш) сум.**

## III.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ҳизмат нархлари келишув асосида **499445 (Тўрт юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз қирқ беш) сум** этиб белгиланди.
3.2. Тўлов «Буюртмачи томонидан «Хизмат курсатувчи»нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.
3.2. «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизмат учун олдиндан, шартномадаги нархнинг 30% и микдорида пул утказиш йули билан олдиндан туловни амалга оширади, 70% тўлов хизмат бажариб бўлингандан сўнг ҳисоб фактура ва иш бажарилганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан амалга оширилади.

## IV. ХИЗМАТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Хизмат курсатувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг Тулов амалга оширилган кундан бошлаб 3 иш куни ичида «Хизмат кўрсатувчи» шартномага асосан "Буюртмачи"ға хизматни кўрсатиб беради.

## V. ХИЗМАТ СИФАТИ

5.1. Кўрсатилаётган хизматнинг сифати «Буюртмачи»нинг талабига мос келиши шарт.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Хизмат курсатувчи»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:
Ҳизмат кўрсатувчи:

- Ҳизмат кўрсатувчи Буюртмачи раҳбарининг паспорт маълумотларига асосан Е-ХАТ ҳимояланган электрон почта тизимида рўйхатдан ўтказиб, (04.05.2011 йил ВМК-126 ), ЭРИ калити сертификатларини тайёрлайди ва тақдим этади,
- Ҳизмат бажариб бўлинганлиги тўғрисида «Буюртмачи»ни огоҳлантиради,
- Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда ўз вақтида «Буюртмачи»га хизмат кўрсатиб беради,
- Ҳизматни топшириш жараёнида юзага келган муаммолар бўйича «Буюртмачи»нинг расмий сўровини қабул қилади ва ўз вақтида бартараф этиб ва техник ёрдам кўрсатади,
- «Хизмат курсатувчи» кўрсатилган ҳизматни шартнома муддати даврида соз холатда ишлашини таъминлайди,
- хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириши шарт.
- «Буюртмачи» маълумотларига киришни таъминлаш учун, ускуналарни туну-кун ишлашини назорат қилади,

- Буюртмачига телефон ёки электрон почта орали маслаҳат бериш йўли билан ахборот кўмагини кўрсатиш,

- Вақти вақти билан 24 соатдан ошмаган холда Ҳизмат кўрсатувчи ускуналарида режали профилактика ва таъмирлаш ишларини ўтказилиши муносабати билан ҳизматни ўчириб туриш,

- Ҳизмат кўрсатувчи Буюртмачи юборган маълумотлар мазмунига жавобгар эмас,

- Ҳизмат кўрсатувчи интернет тармоқлари ва Буюртмачининг бошқа қурилмалари носозлиги сабабли почтага кира олмаслиги учун жавобгар эмас.

6.2. «Буюртмачи»нинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда туловларни амалга ошириш, ҳизматни ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган тартибга, сонига, сифатига караб уз вактида кабул килиб олиши лозим,

- «Буюртмачи» Қабул қилиш-топшириш далолатномаси орқали қабул қилиб олинган ҳизмат учун ва юборилган маълумот учун амалдаги қонун хужжатларига асосан жавобгарликни ўз зиммасига олади.

- «Буюртмачи» эротик, миллатчилик ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан таъқиқланган ва тармоқ этикетига зид бўлган маълумотларни почта орали юбориши қатъиян ман этилади.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

ларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблаги булган холда хизматни белгиланган муддатда бажариб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0,5 % микдорида «Буюртмачи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик булмаслиги лозим.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги хамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф 20% микдорида жарима тулайди.

7.4. «Буюртмачи» курсатилган хизмат учун туловни уз вактида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % микдорида «Хизмат курсатувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик булмаслиги лозим.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка, хар кандай холатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш мумкин.

## IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Узаро келишилмаса иқтисодий суд ва Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари тартибида хал килинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «28» январ дан 2022 йил «31» декабр гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, тасдиклангандан сунг конуний кучга киради.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

<table>
<tr><th>«Хизмат курсатувчи»</th><th>«Буюртмачи»</th></tr>
<tr><td>Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Электрон ҳокимиятни ривожлантириш маркази"муассасаси<br>Манзил: Фарғона шахри , А.Навоий 15</td><td>SIRDARYO-SO'X IRRIGA... HAVZA BOSHQARMASI HUZURIDAGI NASOS STANSIYALARI VA ENERGETIKA BOSHQARMASI<br>Farg'ona sh. Mustaqillik 310-b. Tel:(8-373) 226-86-89<br>Sh.h.r.: 10002186030401704240217000 8<br>INN:201737832 OKONX: 22100<br>Манзил:</td></tr>
<tr><td>Х/р : 2021 0000 2047 4233 5001<br>МФО: 00498<br>Банк номи: АТБ "Туронбанк" Фаргона филиали<br>ИНН: 205 980 663<br><br>Рахбар __________ С.Махмудов<br>М.Ў</td><td>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI<br>G'azna H/r: 23402000300100001010<br>XKKM MARKAZIY BANK TOSHKENT SHAHAR BB<br>MFO: 00014 INN: 201122919<br>Х/р :<br>МФО:<br>Банк номи:<br>ИНН:<br><br>Рахбар __________ Ф. Исомиддинов<br>М.Ў</td></tr>
</table>